

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
• ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ •
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



АДАБИЙ
АЛОҚАЛАР ВА ҚИЁСИЙ
АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ



МУНДАРИЖА

1-ШУЪБА. “Компаративистиканинг назарий масалалари”

Максудов Р.Х. Ҳамдустликнинг нурафшон манзиллари	3
Мирҳайдаров Ҳ. “Сайёр сюжет” назариясига бир назар	4
Қуронов Д.Х. Драматик асарнинг матн композицияси ҳақида	7
Қосимов А. Типологик ўхшашликлар—адабий алоқа шакли сифатида	10
Камнинская Е.М. Проблема функционирования творческой лаборатории писателя в аспекте ключевых постулатов синергетики и герменевтики	13
Naz PENAN, “Kazakların güney türkistan ve çevreleriyle olan ilişkileri”	16
Муҳиддинова Д.З. XX аср иккинчи ярми араб ва ўзбек ҳикоячилигида адабий таъсир масалалари	20
Муҳаммаджонова Г. Жеймс Жойс ва Уильям Сомерсет Моэм ижодида мусаввир образи	25
Матёкубова Т. Икки халқ шеърятининг чўнг қоялари	28
Йўлчиев Қ. Бирлик ва учлик шеър муаммосининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши	30
Веч О.Я. Роль Стендаля в формировании концепции изображения войны в романе Л.Толстого «Война и мир»	32
Ўтанова С. Озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари тадқиқи	35
Содиқов З.Я. Шоҳлар ойнаси ва фюрстеншпигел туғрисида	38
Дониярова Ш. Муштарак тақдирлар ва характерлар талқини	40
Аҳмедова Ш.И. Қагар адабиёти замонавий ҳикоянавислигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	44
Давронова Ш. Адабиётда табиат ва инсон муносабатлари талқини (Чингиз Айтматов ва Нормурод Норқобилов ижоди мисолида)	46
Юсупова Д. Компаративистика трактатов об аруде Шамс-и Кайс Рази и Шейха Ахмада Тарази	49
Сулаймонов М. Ҳофиз Хоразмий девонининг туркия наشري	52
Шераллева М. Эркин Аъзам ижодида А.Чехов аъъаналари	55
Жамолидинов М., Холнқулова Ф. Абай ижодида дустлик, қардошлик шиорига айланган ўланлар тасвири	57
Имомова Г. Чингиз Айтматовнинг образ яратиш маҳорати	59
Асқаров Д., Эргашев Ш. Озарбайжон ва ўзбек адабий алоқалари	61
Маннопов И. Хожа Аҳмад Яссавий ва татар адабиёти	64
Косимов А.Р. Художественные элементы в эстетическом воспитании	67
Кабирова Н.К. Раҳнавард зарёб ҳикояларида композицион қурилиш	69
Odinayeva N.L. Jek London hikoyalarining badiiyati	71
Хужаев С.А., Аҳмадалиев М. Адабиётда “сюжетлар миграцияси” масаласи (“Панчататра”эпоси мисолида)	74
Ёкубова С. Мусиқа сеҳрига пайванд муҳаббат тарихи	76

Расулова У. Барҳаёт анъаналар талқини	78
Хайдарова Н.А. К вопросу о типологических сходениях и палингенезисе в творчестве В.Г.Яна и Т.Пулатова	80
Умурзаков Р. Т.Маликнинг “Алвидо, болалик” кинесасида бола образи ва ижтимоий муҳит	84
Аҳмаджонова О. Ўзбек ва корейс адабиетида она образи талқини	87
Umarov S. “Qutadg’u bilig” asarining o‘zbek va jahon adabiyotida qiyosiy o‘rganilishi	89
Турсунова Ф. Чехов ва Кодирийнинг бадиий нутқ маҳорати	93
2-ШУЪБА. “Адабий алоқалар ва адабий таъсир муаммолари”	
Солижонов Й. Фафур Гулом ижодида замонавий рух	95
Сабирдинов А. Абдулла Қодирий ва Ойбек усулининг баъзи жиҳатлари хусусида	97
Dehqonov I., Anne –Marie Pauleau. Caracteristiques des contes de Charles Perrault.	100
Қодирова Н. Адабий алоқаларни урганиш йўлида	103
Аҳмедова Ш. Адабий танқид жанрларини ривожлантиришда С.Айнийнинг маҳорати	105
Жўрабоев О. Давр адабиетига Амир Умархон таъсири ва у ҳақдаги баъзи битиклар	107
Абдулҳакимова Ю. “Лайли ва Мажнун”: Навоий ва Фузулий талқинларидаги узига хослик	111
Адилова И. Увайсий ижоди ва адабий таъсир масаласи	114
Зоҳидова Д. Гарибий ва Чархий	117
Исмоилов И. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонига асос бўлган тарихий-адабий манбаларнинг қиёсий таҳлили	120
Қобилова З. Амирий ижодига Фузулий таъсири	123
Сиддиқов М. Шайх санъон фақи тайрон ва халқ китоби талқинида	125
Ҳамроева О. XX аср бошларида мажмуаларнинг юзага келиш эҳтиёжи	129
Жўраева М. Характерларнинг қиёсий таҳлили (“Тафаккур” ва “Шахмат” ҳикоялари мисолида)	131
Tojimatova Z. Mark Tven va Gʻafur Gʻulom asarlarida mushtaraklik va oʻziga xoslik	134
Абдулпатгаева О. Сўзнинг юзи ва суҳангўйлик	136
Ражабова М. Навоий ва Фузулий ижодида ишқ талқини	138
Тўхсанов Қ. Машраб ижодида Румий даҳоси	141
Мамадалиева З. Ҳогами той образи Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий талқинида	143
Бекова Н., Сайлиева М. Навоий форсии касидаларининг айрим адабий манбалари хусусида	146
Ҳошимова М. Абдулла Орипов ижодида ватан ва инсон мадҳи	149
Абдурахмонова Б., Қурбонова Қ. Хоразмий ва Навоий поэтик маҳоратининг муштарак қирралари	151
Амонова З. Насимий ва XV асрнинг I – ярми ўзбек мумтоз адабиети	154

мафойлу фоилун) вазнида яратилган.

Навобий давридан кейинги асрларда ҳам Қўқон, Хива адабий мухитларида мазкур радифда қўллаб-ғазаллар яратилганини кузатамиз.

Уларни қиёслаганда, барчасида ошиқ, ёр муносабатлари қуёшнинг ҳолати ва мақоми билан муқоясаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, ўзига хос, чуқур мантиққа асосланган.

Навобийнинг қуёш, май, соғар, соқий каби тимсоллар билан боғлиқ анъанавий йуналишда бошланган форс тилидаги ғазали сўнгги бандларда тарихийлик касб этади. Шоир эътибори Ҳусайн Бойқаро Ғозий фаолияти ва мақоми тавсифлашга қаратилади.

Қўқон адабий мухитида ўзига хос мақомга эга Увайсийнинг қўлзма девонида ҳам "офтоб" радифли бир ғазал учрайди. Унда шоиранинг юксак маҳорат эгаси эканлиги яққол намоён бўлади. У оддий табиат ҳодисаси - қуёшнинг тонгда шарқдан чиқиб, шомда ғарбга ботишини асарига асос қилиб олади. Ундан чуқур фалсафа топишга эришади. Шоира унинг қисматида ўз тақдирининг рамзини қўради. Мумтоз адабиётда қуёшнинг дийдор излаб самода кезиши ғояси анъанавий. Аммо, Увайсий ана шу анъанавийликнинг янгича, ўзига хос талқинини яратади:

Чарх зарфига кўюб оғзин, ютар ҳар кунда қон,
Шом вақтида шафак билгурди хунбор офтоб¹⁰².

Офтоб ботаётганида шафакнинг қизаришини шоира ўзига хос изоҳлайди: У кун бўйи дийдор илинжида азобланиб қон ютади. Шомда эса мақсадига етолмай, изтиробдан қон ёш тўқади. Шафакнинг қизариши, шоира фикрича, ана шундан. Мазкур байта шоира тамсил санъати орқали қуёш тимсоли воситасида ошиқ руҳий ҳолатини ифодалар экан, унинг замирига замон ноқисликларидан ўз кўнглига етган захму жароҳатлар тасвирини ҳам сингдириб кетади. Асарда уларга ишора сезилиб туради.

Шоира кейинги байтларда қуёшни мажнунвор ошиқ сифатида тасвирлайди. Шу билан ўзига таскин тасалли топади, гўё:

Мен нечук Мажнун каби расвои олам бўлмайин,
Чарх уза рухсори мохинга гирифтор офтоб¹⁰³!?

Осмондаги офтоб ҳамки, маҳбуба ҳуснига гирифтор экан, шоира пирик қаҳрамонининг ишқ йўлидаги жунунлари табиий ҳол эканлигини таъкидлайди. Мазкур ғазалда, юзаки қараганда, шоира қуёшнинг ҳаракатини, оддий табиат ҳодисасини тасвирлаётгандек кўринади. Аммо, зийрак китобхон унинг замирида чуқур ижтимоий ва ирфоний маънолар мужассамлигини сезиши кийин эмас. Аввало, қуёш - ошиқ рамзи. Ошиқнинг қуёш тимсолида синтезланиши унинг моҳиятини чуқур изоҳлаш ва аниқлаш имконини яратади. Зеро, қуёш ўзи "қон ютади", "азобланади", "кеча қундуз йўл босиб дийдор излайди". Оқибатда, у ёниб, бутун оламга нур улашади. Жаҳонни нурга йўғиради, ўзи ҳам нурга айланади. Иккинчидан, офтоб ва фалак тимсоли

¹⁰² Увайсий Девон. Т.: Фан, 1959. 63-бет.

¹⁰³ Уша асар, 63-бет.

воситасида шоира чуқур ижтимоий ғояларни, инсоний муносабатларни ҳам ифодалаб беради:

Дўст деб туттум этокан ул фалаки ғаддорнинг,
Шатта урди, кетти Мағриб, тодти озор офтоб¹⁰⁴.

Шоира мазкур мисраларда дўстлик ва у билан боғлиқ вафо тушунчаси ҳақида мулоҳаза юритади. Бу тасвир ортида биз лирик қаҳрамон кўнглидаги замона зарбаларининг ифодасини сезамиз. Офтоб тақдирига қисматдошлик кечинмалари тасвирини ҳис этамиз.

Машҳур масалнавис Эзопнинг хожаси Ксанф уз шогирдларига қарата, - “Эй мухтарам талабаларим, фалсафа илми ёлғиз муҳокама ва мулоҳазалардангина иборат деб ўйламанг. Йўқ... кўнинча, сўзсиз фалсафа сўз билан ифодаланган фалсафадан устунлик килади. Бу фикрим ифодасини, чунончи, раққослар ҳаракатида кўриш мумкин. Уларнинг қўллари муттасил ҳаракат қилиб, воқеа- ҳодисаларини туб маъносини ифодалайди ва бу билан сизнинг кўз олдингизда сўзсиз фалсафанинг чинакам кифасини намоён килади”, - дея таълим берган эди.

Маҳоратли, файласуф шоира Увайсий ижодига хос муҳим хусусиятлардан бири ҳам худди шундай моҳиятга эга. У ўз асарларида ифодаламоқчи бўлган фикр-ғояларни фақат сўзлар билангина баён этмайди. Балки турли рамзлар, тимсоллар орқали ишоралар бериб, ўқувчининг мантикий фикрлашига, яқуний хулосалар чиқаришига ҳам имкон қолдиради. Чунки Олам ва табиатнинг ўзи доно файласуф. Уни кузатиш ва ўрганиш бизни чуқур маъноларни англаш, маърифат ҳосил қилиш сари етаклайди. Шоиранинг мазкур маҳорат қирралари, талқин этганимиз “офтоб” радибли ғазалида ҳам ғўла намоён бўлган. Мазкур ғазал мақтаида ошиқ ва офтоб тақдир яна бир бор муқоясаланади. Офтобнинг қисмати ошиқ учун, ғўе ибрат мактаби вазифасини бажаради. Шу ўринда шоиранинг тимсол яратиш маҳорати яққол намоён бўлади. У қуёшни зарралар бошидаги дастор сифатида тасвирлайди. Бу тасвир шаклан мутаносиблиги билан ҳам, моҳиятан ёр ва ошиқнинг мақомини белгилаб бериши билан ҳам муҳимдир:

Вайсий, бошинг узра қўй хуршид талъат ёрни,

Билмадингму, зарралар бошинда дастор офтоб¹⁰⁵?

Офтоб мақомидан келиб чиқиб, лирик қаҳрамон ўзи учун яқуний ҳукм чиқаради: Ёрнинг мақоми энг юксакда. Энг азиз нарсани бошига кўтариш инсонга хос хусусият. Шундай экан, қуёш юзли ёрни бош устида эъзозлаш лозим.

Мазкур байтда ёр ва офтоб, ошиқ ва зарралар параллел қўйилади. Бу параллелизм заминига чуқур ирфоний маъно сингдирилган. Яъни булар шаклан икки кўринишда бўлса-да, моҳиятан ягона хилкат. Зарралар - офтоб; ошиқ - ёр демакдир.

Увайсийнинг шоирона маҳорати, айниқса, мактада баён этилган мазкур

¹⁰⁴ Уша асар, 63-бет.

¹⁰⁵ Уша асар, 63-бет.

чукур мазмунли, умумлаштирувчи ҳукмда намоён бўлади. Ғазал матнида оддий табиат ҳодисаси тасвиридан иборатлик кўринган ифодалан шоира хикматомуз, фалсафий - ирфоний ҳулоса чиқаради: Яъни офтоб ва зарралар ягона мавжудот. Офтоб зарраларга, зарралар эса офтобга тенг. Ошиқ ва ёрда ҳам ягоналик мужассам. Ошиқ - зарра, ёр - офтоб кабидир. Демак, ошиқнинг ҳам, қуешнинг ҳам максали бир нуктада туташади. Ҳар иккаласи ҳам ўзини излаш йўлидан бораётган экан. Сўнги мисраларда шоира ишоралар орқали ана шундай маънони назарда тутди.

Кўринадики, Увайсий шеъриятидаги ҳар бир тимсол кенг камровга эга. Юзаки қараганда, оддий кўринган образлар, табиат ҳодисалари воситасида шоира чукур фалсафий - ирфоний моҳиятни ифодалашга эришади.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. МАТ. 18-жилд. Девони Фоний. Т.: Фан. 2002.
2. Алишер Навоий. МАТ. 13-жилд. Мажолис ун-пафоис. Т.: Фан. 1997.
3. Увайсий. Девон. Т.: Фан, 1959.

ҒАРИБИЙ ВА ЧАРХИЙ

Зоҳидова Д., ҚДПИ доценти

Мулло Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий (1877-1961) ҳам шу даврдаги Кўкон адабий муҳитининг бевосита таъсири остида шаклланган соҳибидевон шоирлардандир.

Ғарибий Марғилоннинг Ермозорида таваллуд топган, у машҳур мутасаввиф шоир Хувайдо авлодидан бўлиб, 50-йиллар ўрталарида табаррук ажодлари юрти - Чимёнга кўчиб борган ва у ерда умри охиригача яшаган. 1911 йилда тартиб берган девонини “Ғарибий” таҳаллусли шеърларидан тузган, 1917 йилдан “Мухбир”, 1926 йилдан эса “Шуҳрат” таҳаллуслари билан калам тебратган, икки сийёсий тузум алмашувига гувоҳ бўлиб, узок ижодий йўлни босиб ўтган.

Ғарибий Октябр ўзгаришидан кейин ҳам анъанавий ижод йўлини сақлаб қолган. У ўзининг ахлокий-ирфоний, фалсафий-ижтимоий қарашларида собит тургани учун шўролар даврида номаълумликка маҳкум этилган. Шоирнинг номи ва ижоди истиқлол туфайли қайта кашф этилди.

Инқилобдан кейинги давр Кўкон адабий ҳаракатида Фироқий, Чархий, Насимий, Шукрий каби ижодкорларнинг ўзига хос ўрни бор. Ижодий тамойиллари муштарак жиҳатларга эга бу шоирларни мустақкам дўстлик ришталари ҳам бирлаштириб турган. Ушбу шоирлар даврасидан Ғарибий ҳам муносиб ўрин эгаллаган. Ғарибий Ермозорда эканида уларнинг ўртасида вужудга келган самимий алоқалар шоир Чимёнга кўчиб кетгандан кейин ҳам давом этди. У тез-тез Кўконга дўстлари зиёратига келиб туради. Шоирнинг Чархий, Шукрий, Фироқий, Шайдога йўллаган шеърӣ мактублари сақланиб қолган бўлиб, уларни ўзбек адабиётдаги мактубот жанрининг XX асрда яратилган яхши намуналаридан деб аташ мумкин. Мазкур шеърӣ номалар орасида таниқли суз санъаткори Чархийга йўлланганлари алоҳида эътиборга лойик.